

11. С.Ғ.Жамолов, Б.Д.Аллашов Кузги ва баҳорги муддатларда экилган озуқабоп экинларда олиб борилган селекция ва бирламчи уруғчилик ишлари. Ж.Science and innovation. 2023 Том 2. №Special Issue 8. 302-306 бетлар

УЎК: 633.15

ЧОРВА ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МАККАЖЎХОРИ КЎК МАССА ҲОСИЛДОРЛИГИ

М.Х.Зулфиқоров-мустақил тадқиқотчиси¹,

А.Е.Янгибоев-доценти, қ.х.ф.д., (DSc)¹,

М.А.Бонни-талаба²

Б.Д.Аллашов-илмий ишлар ва инновациялар бўйича директор
ўринбосари, қ.х.ф.н., катта илмий ходим³

*Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети Тошкент филиали*¹

*Тошкент давлат аграр университети*²,

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти,
*allashev-b@mail.ru*³

Аннотация. Чорвачилик тармоқлари ривожда озуқа базаси муҳим аҳамиятга эга. Чорва моллари учун маккажўхори поясидан силос ва турли хил озуқалар тайёрланади. Маккажўхори кўк масса ҳосилдорлигини оширишда энг мақбул кўчат қалинлигида экишнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Юқори ҳосил олишда маккажўхорини ҳар хил кўчат қалинлигида экиш ва кўк масса ҳосилдорлигини таҳлил қилиш керак бўлади. Ушбу мақолада маккажўхорининг Ўзбекистон-2018 навини ҳар хил кўчат қалинлигида экилганда кўк масса ҳосилдорлигини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, маккажўхори, озуқа базаси, кўк масса, силос, ҳосилдорлик.

Summary. The forage base is of great importance in the development of animal husbandry. Silage and various feeds for livestock are prepared from corn stalks. Optimal seeding density is of great importance for increasing the yield of corn. To obtain high yields, it is necessary to sow corn at different seeding densities and analyze the yield of green mass. This article presents data obtained as a result of studying the yield of green mass when sowing corn of the Uzbekistan-2018 variety at different seeding densities.

Key words: Animal husbandry, corn, forage base, green mass, silage, yield.

Кириш. Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш кўп жиҳатдан мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш, омухта, дағал, ширали емлар ишлаб чиқаришни кескин ошириш ва уларнинг сифатини ошириш билан боғлиқдир. Маккажўхори пояси молларга кўклигича ҳам берилади, ундан силос ва хашак тайёрланади [1-10]. Маккажўхори дунё деҳқончилигида кўп тарқалган қимматли ва серҳосил экин ҳисобланиб, экин майдони бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Республикамизда маккажўхори


анъанавий экинлардан бири бўлиб, озиқ-овқат ва ем-хашак учун экиладиган экинлардан ҳисобланади. Ем-хашак экинлари орасида экин майдонлари таркибида у салмоқли ўринни эгаллайди. Маккажўхори ҳосилининг асосий қисми ем-хашак учун ишлатилади (дунёда бу улуш 60% ни ташкил қилади). Озуқа учун куруқ поя, барг ва сўталари ишлатилади [1-10].

Тадқиқот мақсади. Олиб борилган тадқиқотнинг мақсади маккажўхорининг янги яратилган Ўзбекистон-2018 навини ҳар хил кўчат қалинлигида экилганда кўк масса ҳосилдорлигига бўлган таъсирини ўрганиш ва энг мақбул кўчат қалинлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, фенологик кузатувлар умумқабул қилинган “Методика полевых опытов с кукурузой” (Днепропетровск. 1984) услубий қўлланмаси ва уруғликнинг сифат кўрсаткичлари ЎзДСт 2823:2014 “Семена с/х культур, методы определения всхожести”дан фойдаланилди. Олинган натижалар Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” (М.1985) ва замонавий АНОВА (Анализ дисперсии) дисперсион услубларида статистик таҳлил қилинган [7].

Тадқиқот натижалари. Маккажўхорининг пояси молларга яшилликча ҳам берилади, баъзан уни қуриштириш орқали ем хашак тайёрланади. Маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018” навини такрорий муддатда кўк масса учун етиштиришда энг мақбул кўчат қалинлигини аниқлаш бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018” нави кўк масса учун экилган тажриба кўчатзорида кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда кўк масса ҳосилдорлиги ҳам ўрганилди.

Кўк масса учун экилган тажриба кўчатзорларида ҳар вариант ва такрорланишлар бўйича кўк масса ҳосилдорлиги таҳлил қилиб борилди. Олинган натижалар қуйидаги 1-диаграммада келтириб ўтилган.



1-диаграмма. Яшил масса учун экилган тажриба кўчатзорида яшил масса ҳосилдорлиги кўрсаткичлари, ц/га

Диаграммада келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 75 миңг туп/га кўчат қалинлигида экилганда кўк масса ҳосилдорлиги 588,3 ц/га ни, 80 миңг туп/га кўчат қалинлигида экилганда 597,2 ц/га ни, 85 миңг туп/га кўчат қалинлигида экилганда 604,2 ц/га ни, 90 миңг туп/га кўчат қалинлигида экилганда 608,4 ц/га ни, 95 миңг туп/га кўчат қалинлигида экилганда 597,0 ц/га

ни ва 100 минг туп/га кўчат қалинлигида экилганда эса кўк масса ҳосилдорлиги 584,6 ц/га ни ташкил этди.

Шунингдек, маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018” нави яшил масса учун турли кўчат қалинлигида экиб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳам таҳлил қилинди ва таҳлил натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган. Бунда 75 минг туп/га кўчат қалинлигида экилган вариант назорат қилиб олинди.

1-жадвал

Маккажўхорини кўк масса учун ҳар хил кўчат қалинлигида экишнинг иқтисодий самарадорлиги

Вариантлар	75-минг туп/га	80-минг туп/га	85-минг туп/га	90-минг туп/га	95-минг туп/га	100-минг туп/га
Кўрсаткичлар						
Кўк масса ҳосилдорлиги (ц/га)	588,3	597,2	604,2	608,4	597	584,3
Назоратга нисбатан ҳосил, ц/га	-	8,9	15,9	20,1	8,7	-4,0
Назоратга нисбатан ҳосил, фоизда	-	1,5	1,2	0,7	-1,9	-2,1
1 ц кўк масса нархи, минг сўм	50	50	50	50	50	50
1 га кўк масса ҳосилидан олинган даромад, минг сўм	29415	29860	30210	30420	29850	29215
Ҳосилни етиштириш харажатлари, минг сўм/га	7000	7000	7000	7000	7000	7000
1 кг уруғлик материали нархи, минг сўм	15	15	15	15	15	15
1000 дона уруғ вази, г	288,7	280,3	274,6	268,4	262,6	256,8
Экишга сарфаланадиган уруғлик, кг	21,7	22,4	23,3	24,2	24,9	25,7
Экишда ишлатилган уруғнинг нархи, минг сўм	281,7	300,3	319,5	334,5	346,4	357,4
Жами харажатлар, минг сўм	7281,7	7300,3	7319,5	7334,5	7346,4	7357,4
Соф фойда, минг сўм	22133,3	22559,7	22890,5	23085,5	22503,6	21857,6
Назоратга нисбатан қўшимча соф даромад, минг сўм/га	-	426,4	757,2	952,2	370,3	-275,7
Рентабеллик, фоиз	30,4	30,9	31,3	31,5	30,6	29,7

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, кўчат қалинлиги бўйича 4-вариантгача, яъни 90 минг туп/га кўчат қалинлигигача экилганда назоратга нисбатан қўшимча соф даромад ортиб боргани кузатилди. Назоратга нисбатан қўшимча соф даромад 80 минг туп/га кўчат қалинлигида экилган 2-вариантда 426,4 минг сўм/га ни, 85 минг туп/га кўчат қалинлигида экилган 3-вариантда 757,2 минг сўм/га ни, 90 минг туп/га кўчат қалинлигида экилган 4-вариантда 952,2 минг сўм/га ни, 95 минг туп/га кўчат қалинлигида экилган 5-вариантда 370,3 минг сўм/га ни, 100 минг туп/га кўчат қалинлигида экилган 6-вариантда эса қўшимча соф даромад -275,7 минг сўм/га ни ташкил этган.

Назоратга нисбатан кўшимча соф даромад 5-вариантдан, яъни 95 минг туп/га меъёрдан бошлаб пасайиб бориши кузатилди. Кўк масса учун етиштиришда рентабеллик даражаси 75 минг туп/га қалинликда экилганда 30,4 фоизни, 80 минг туп/га қалинликда экилганда 30,9 фоизни, 85 минг туп/га қалинликда экилганда 31,3 фоизни, 90 минг туп/га қалинликда экилганда 31,5 фоизни, 95 минг туп/га қалинликда экилганда 30,6 фоизни ва 100 минг туп/га қалинликда экилганда эса 29,7 фоизни ташкил этди.

Хулосалар. Демак, юқорида келтирилган жадвал ва диаграмма маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, кўчат сони ортиб борган сари, яъни 75 минг туп/га дан 90 туп/га меъёргача экилганда кўк масса ҳосилдорлиги ошиб бориши, кўчат қалинлиги 90 минг туп/га меъёрдан ортган кейин эса кўк масса ҳосилдорлиги кўрсаткичлари камайиши ҳолатлари кузатилди. Олиб борилган тадқиқотлар ва олинган натижаларга асосланиб маккажўхорининг “Ўзбекистон-2018” навини кўк масса учун экишда 90 минг туп/га қалинликда экиш мақбул меъёр эканлиги исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, F.Toreev. Effective agrotechnology for cultivation of forage crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614 (1), 012159 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012159>

2. Б.Аллашов, С.Жамолов Озукабоп экинларнинг иссикка ва сув танқислигига бардошли нав, намуналарини танлаш. Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов." (2023).

3. Б.Д.Аллашов, С.Г.Жамолов, Д.Р.Жураева Сувсизликка ва иссикка чидамли булган озукабоп экинларнинг хорижий нав ёки намуналарини танлаш. Ж.Science and innovation. Special №8, С.285-296

4. Б.Д. Аллашов, С.Г. Жамолов. Озукабоп экинларда айрим хўжалик белгилари бўйича олиб борилган селекция ишлари. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1. №1. Ст. 227-230

5. Б.Д.Аллашов Миллий генбанкдан олинган оқжўхори намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш. 2024 Ж. Science and innovation. Том 3. №Special Issue 47. 574-579 бетлар.

6. Б.Аллашов, М.Бонни. Селекционные работы по улучшению кормовой базы сорго, овса и тритикале. 2024/10/11 Ж.Перспективы кролиководства: проблемы и решения. Том 1. №1. Ст. 110-113

7. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта. 5-е изд.» - М.: Агропромиздат, 1985. 351 с.

8. Д.Р. Жўраева, Б.Д. Аллашов Маккажўхори етиштиришда инновацион усулда тайёрланган компостдан фойдаланиш. 2023 Ж.Science and innovation. Том 2. №Special Issue 8. 297-301 бетлар

9. С. Жамолов, Б. Аллашов Маккажўхорининг хорижий тизмалари ривожланиш даврлари. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного

животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1. №1. Ст. 236-239

10. С.Ф.Жамолов, Б.Д.Аллашов Кузги ва баҳорги муддатларда экилган озуқабоп экинларда олиб борилган селекция ва бирламчи уруғчилик ишлари. Ж.Science and innovation. 2023 Том 2. №Special Issue 8. 302-306 бетлар

УДК:57.02.581.5

**УРОЖАЙ КОРМОВОЙ МАССЫ И СЕМЕННАЯ ПРОДУКТИВНОСТЬ
SOLSOLA GEMMASCENS В ЦЕЛОВИЯХ ЮГО ЗАПОДНОГО
КЫЗИЛКУМОВ**

Ж.Н.Нажмиддинов-Заведующий отдел, к.б.н., доцент¹,

Х.Т.Ахмедов-Заведующий, самостоятельный исследователь (PhD)²,

Н.И.Казаков-самостоятельный исследователь (PhD)³

kazakovnajmiddin95@gmail.com³

*Центр по производству семян питательных растений для пастбищ
Бухарской пустыни¹,*

Бухарской областной лабораторией анализа семян²,

*Центр по производству семян питательных растений для
пастбищ Бухарской пустыни³*

Аннотация. В статье представлена информация о роли *Solsolagemmascens* в формировании разнообразия растительного покрова пустынь.

Ключевые слова: *Solsolagemmascens*, продуктивность, семян, Юго-Западный Кызылкум, улучшение пастбищ.

Summary. This article presents information on the role of *Solsolagemmascens* in building the diversity of the desert vegetation cover.

Key words: *Solsolagemmascens*, productivity, seeds, South-Western Kyzylkum, improvement of pastures.

Выделение. Основным критерием оценки перспективности кормовых растений для выращивания в аридной зоне является их кормовая продуктивность, которая является косвенным показателем устойчивости к данным условиям. В условиях Юго-Западного Кызылкума на первом году жизни солянкипочечконосная формирует невысокую кормовую массу до 1,78 ц/га (табл. 1).

Во второй и последующие годы жизни, несмотря на неблагоприятный водный режим почвы солянкипочечконосная сформировала до 5,45 ц/га воздушносухой кормовой массы. Максимальная продуктивность солянкипочечконосной наблюдалась на пятый и в последующие годы жизни, когда урожай кормовой массы достигал 9,51 ц/га (табл.1).

Девяти летные наблюдения показали, что наиболее высокая продуктивность солянкипочечконосной была в годы, когда выпадало

	танқислигига чидамли бўлган окжўхорининг маҳаллий ва хорижий намуналарини синаш ҳамда баҳолаш	
68	Маматова Ш.А., Ахмедов Т.П., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда иқлим ўзгаришига чидамли озуқабоп экинларни синаш	252
69	Ахмедов Т.П., Зулфиқоров М.Х., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхорининг бошпоя баландлиги	257
70	Ахмедов Т.П., Эрданова М.М., Маматова Ш.А., Аллашов Б.Д. Турли муддатларда экилган маккажўхорида барглар сони ўзгарувчанлиги	261
71	Ахмедов Т.П., Эрданова М.М., Маматова Ш.А., Аллашов Б.Д. Турли муддатларда экилган маккажўхорида барглар шаклланиши	265
72	Ахмедов Т.П., Эшмурадова Ҳ.Р., Бонни М.А., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида турли муддатларда экилган маккажўхорида сўталар шаклланиши	269
73	Зулфиқоров М.Х., Аллашов Б.Д., Янгибоев А.Е. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхорининг бошпоя тузилиши ва аҳамияти	273
74	Зулфиқоров М.Х., Ахмедов Т.П., Аллашов Б.Д. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори ўсимлигида барглар сони	277
75	Зулфиқоров М.Х., Бонни М.А., Аллашов Б.Д., Янгибоев А.Е. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори ўсимлигининг барг сатҳи	281
76	Зулфиқоров М.Х., Янгибоев А.Е., Аллашов Б.Д. Озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори дон ҳосилдорлиги	285
77	Зулфиқоров М.Х., Янгибоев А.Е., Бонни М.А., Аллашов Б.Д. Чорва озуқа базасини мустаҳкамлашда маккажўхори кўк масса ҳосилдорлиги	289
78	Нажмиддинов Ж.Н., Ахмедов Х.Т., Казаков Н.И. Урожай кормовой массы и семенная продуктивность <i>solsola gemmascens</i> вцеловиях юго заподного Кызилкумов	293
79	Сергазиева М.Р., Муталиева А.А., Арапбаева Ж.Е. Устойчивое сельское хозяйство: глобальные вызовы и мирные тенденция	296
80	Kholmurodova M., Juliev M., Djanpulatova Z. Assessment of soil erosion in rangeland using modern technologies on the example of chartak district of namangan region	300
81	Kholmurodova M., Juliev M., Turdalieva S. Markaziy Osiyoda tuproq eroziyasini o'rganish bo'yicha ilmiy sharh (1993–2022)	302
82	Djanpulatova Z., Juliev M., Kholmurodova M. Land use and land cover change impacts on rangeland ecosystem services: evidence from Chartak district, Namangan region	306
83	Djanpulatova Z., Juliev M., Turdalieva S. Markaziy Osiyoda	309